

№ 3002017 yil « 23 » март

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги
“Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар
ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПҚ-2844-сонли қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги
“Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар
ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-2844-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги
“Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар
ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-2844-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига
мувофиқ:

юридик шахсни ташкил этмасдан янги рўйхатга олинган якка
тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига
микрокредит ажратиш бўйича қуйидагилар кўзда тутилган
соддалаштирилган механизмни жорий этиш тўғрисидаги таклифи
маъқулланганлиги;

янги рўйхатдан ўтган юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги
тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига фаолиятини амалга
ошириш учун олинган товарларни гаров сифатида ҳисобга олган ҳолда энг
кам иш ҳақининг 20 баробаригача миқдорда микрокредитлар ажратиш;

янги давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс ташкил этмаган якка
тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорларга тадбиркорлик
фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 60 баробаригача
миқдорда микрокредитлар кредитлашга оид қонун ҳужжатларида назарда
тутилган таъминот турлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органларининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасида
кўрсатилган ваколатлар доирасида кафиллиги асосида ажратишни
кенгайтириш;

